



МАВЗУ: МУЛКНИ ҚАСДДАН НОБУД ҚИЛИШ ЁКИ УНГА ЗАРАР ЕТКАЗИШ ЖИНОЯТИНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИ МУСТАҚИЛ
ИЗЛАНУВЧИСИ РАҲМАТОВ БОБУРБЕК ТЎРАҚУЛ ЎҒЛИ

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада жиноят ҳуқуқи назариясидаги жиноят объекти ва предмети тушунчалари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган бўлиб, айниқса, мулкни қасддан nobud қилиш ёки унга зарар етказиш жиноятининг жиноий-ҳуқуқий табиати очиб берилган. Муаллиф томонидан жиноят объектининг умумий, махсус (турдош) ва бевосита турлари ўртасидаги фарқлар таҳлил этилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 173-моддаси мисолида мазкур жиноят таркибининг ижтимоий хавфлилиги ва унинг тўғри квалификация қилиниши учун аҳамиятли белгилар кўрсатилган. Мақолада объект ва предметни фарқлаш амалиётидаги айрим хато ҳолатлар таҳлил қилинган ҳамда норматив таклифлар илгари сурилган. Хусусан, жиноят натижасида етказилган мулкий зарарни баҳолашга оид Олий суд Пленуми қарорларида “жиноят объекти” атамасини “жиноят предмети” сўзи билан алмаштириш таклифи илгари сурилган.

Калит сўзлар: жиноят объекти, жиноят предмети, мулкий муносабатлар, мулкка қариши жиноятлар, ижтимоий муносабат, жиноят таркиби, бевосита объект, турдош объект, мулкни nobud қилиш, жиноят квалификацияси.

Кириш

Жиноятнинг жиноий-ҳуқуқий аҳамияти, аввало, жиноят қонуни билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлар тизимига таъсири орқали белгиланади. Жиноят қонунчилигида объект категорияси жиноятнинг тузилишида асосий элементлардан бири бўлиб, унинг мазмунини аниқ тушуниш жиноятни тўғри квалификация қилишда ҳал қилувчи аҳамият касб



этади. Шу боис жиноят объекти ва предметини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш ҳуқуқни қўллаш амалиётида долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Жиноят ҳуқуқи назариясида **объект** — бу жиноят қонуни билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлардир. Бу муносабатлар инсоннинг ҳаёти, мулки, давлат ва жамият манфаатлари, табиий муҳит ҳамда инсоният хавфсизлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Объектнинг жиноий-ҳуқуқий аҳамияти жиноят қонуни билан ҳимоя қилиниши лозим бўлган объектларни аниқлаш ва уларни такомиллаштириш зарурати билан боғлиқдир. Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят объекти ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилиб келинмоқда ва бу мавзу ҳанузгача долзарблигини сақлаб қолган. Жиноят объекти жиноят қонуни билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларни ифодалайди, уларга жиноят ёки жиноят оқибатида маълум зарар етказилиши мумкин.

Давлатга ёки фуқароларга етказилган зарар нафақат ўзгалар мулкани зарар етказиш натижасида, балки ўзганинг мулкани қонунга ҳилоф равишда эгаллаш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳам етказилиши мумкин. Ўзганинг мулкани тўғридан-тўғри эгаллаш ҳоллари мавжуд бўлмаса-да, аммо бу қилмишлар мулкий муносабатларнинг бузилишига ва фуқаролар учун жиддий хавф туғдиради, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг, жисмоний ва юридик шахсларнинг фойда ва даромад олишни камайишига олиб келади¹.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига асосан ўзгалар мулкани талон-торож қилиш жиноятидан фарқли ўлароқ, айбдорнинг жиноий бойиши билан боғлиқ бўлмайди, мулкани қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш натижасида корхона, муассаса, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар ўз мулкларидан маҳрум бўлади ва улардан фойдаланиш имкониятларини йўқотади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси умумий ва махсус қисмларга бўлинади. Умумий қисмда бевосита объект тушунчаси, яъни мулкий муносабатларнинг бузилиши ва жиноят натижасида уларга зарар

¹ Шарифов Т. Х. *Жиноят қонунининг объектлари: назарий ва амалий таҳлил*. — Тошкент, 2018.



етказилиши қонун билан ҳимоя қилинадиган ижтимоий муносабатларни ташкил этиши таъкидланади².

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят объекти қўриқланадиган объектлар ҳажмидан келиб чиқиб уч турга, яъни умумий, турдош ва бевосита жиноят объектларига ажратилган.

Жиноятларнинг умумий объекти жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг умумий йиғиндисидан иборат бўлади. Умумий объект ҳамма жиноятлар учун бирдир, сабаби ҳар қандай жиноят у ёки бу ижтимоий муносабатларга зарар етказади³.

Умумий объект жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар йиғиндисининг тизимини бирлаштиради. Жиноят қонунларининг вазифаларини аниқлашда жиноятлар учун умумий бўлган объектларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2-моддасида акс эттирилган Буларга шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик ва инсоният хавфсизлигини киради. Ушбу нормага асосланиб, Жиноят кодексининг 173-моддаси мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга шикаст етказиш жиноятининг умумий объекти бўлиб, шахснинг мулкӣ муносабати ҳисобланади. Шунинг назарда тутиш керакки, ушбу норманинг умумий объектининг мазмуни бўйича консенсус (яқдиллик, келишув) мавжуд эмас.⁴

Жиноят объекти жиноят ҳуқуқи назариясининг бугунги кунга қадар энг кўп таҳлил қилинган, ўз ўрнида энг долзарб соҳаларидан ҳисобланади⁵. Объект лотинча “objectum” сўзидан олинган бўлиб, “нарсa – субъектга қарама-қарши бўлган ҳамда инсоннинг амалий ва билиш фаолиятига қаратилган объектив реаллик” маъносини билдиради⁶.

² Ибрагимов И. Т. Мулкни қасддан зарарлаш: ҳуқуқий таҳлил. — Тошкент, 2017.

³ Петров И. И. Қонунчиликдаги ўзгаришлар ва уларнинг таъсири. — Тошкент, 2021.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // URL: <https://lex.uz/docs/111453> (электрон манба мурожаат қилинган вақт: 06.01.2025 й.).

⁵ Хасанов Т.Х. Ўғрилиқ учун жиноий жавобгарлик ва олдини олиш: Юрид.фан.бўй.фал.док. (PhD) дис. ... — Т., 2019. — Б. 40.

⁶ А.Мадвалиев. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: — Т., 2019. — Б. 77 бет.



Жиноят ҳукуқи назариясида жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар жиноят объекти ҳисобланади. Мазкур нуқтаи назар умумийтироф этилган ва юридик адабиётларда етарлича тадқиқ қилинган ва асосланган. Жиноят қонунда акс эттирилган барча жиноят қайсидир ижтимоий муносабатларга зарар етказди, аниқроғи ижтимоий муносабатларга зарар етмаса жиноят ҳисобланмайди, яъни жиноят таркибининг бирор-бир элементи бўлмаган тақдирда ушбу содир этган қилмишида жиноят мавжуд бўлмайди. Аммо жамиятдаги барча ижтимоий муносабатлар жиноят объекти ҳисобланмайди. Р.Кабулов таъкидлаганидек, жамиятга жиддий хавф туғдирувчи ижтимоий муносабатлар жиноят қонуни билан муҳофаза этилади.

Ҳуқуқшунос Қ.Р. Абдурасулова жиноят объектини умумий, махсус ва бевосита объектларга бўлиб таҳлил қилган. Шунга ўхшаш, Р. Кабулов эса жиноят объектларини умумий, турдош ва бевосита (махсус) объектларга бўлишни таклиф этган. Бу қарашлар асосан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига таянилган, чунки ушбу кодекснинг Махсус қисми бўлимлар, боблар ва моддалардан ташкил топган⁷.

1994 йилги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисми бўлим, боб ва моддалардан ташкил топганлигига қарамасдан, ҳанузгача жиноят объекти учга бўлиб таҳлил қилинмоқда. Масалан, Ш.О.Азим жиноят объектини умумий, махсус (турдош) ва бевосита объектга ажратиш тўғрисида фикр юритган⁸. Бизнингча мазкур фикр амалдаги жиноят қонунига тўлалигича мос келмайди. Бинобарин, М.Х.Рустамбаев таъкидлаганидек, ЖК махсус қисмининг бир бўлими билан муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлар жиноятнинг махсус объекти ҳисобланади. Турдош объект махсус объект белгиларидан бири бўлиб, хусусияти бўйича бир-бирига яқин бўлган

⁷ Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси: 1960 йил.

⁸ Азим Ш.О. Уголовно-правовые меры борьбы с вовлечением несовершеннолетнего в антисоциальное поведение: Дис. ... кан. юрид. наук. – Т., 2020. – С.99.



объектлар турдош ҳисобланади.⁹ Бу каби фикрлар А.П.Севрюков¹⁰, А.А.Алланова¹¹, Ж.А.Иброҳимов¹², Р.С.Алтиев¹³ лар томонидан тадқиқот ишларида илгари сурилган. Бундар ташқари Ф.А.Абдуқодиров, жиноят кодекси бўлим, боб ва моддадан ташкил топганлигини инобатга олиб, фалсафанинг умумийликдан хусусийликка категориясига асосан, жиноят объектини умумий, махсус, турдош ва бевосита объектларга қуйидагича ажратиш лозим: умумий объект – жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар мажмуи; махсус объект – ЖК Махсус қисм бўлимлари билан муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлар; турдош объект – ЖК Махсус қисми бўлимларининг боблари билан муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлар; бевосита объект – ЖК Махсус қисми нормаси билан муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлардир.

Биз юқоридаги Ф.А.Абдуқодиров ва Ш.О.Азим фикрларига қўшилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига асосан ўзгалар мулкини қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш жиноий жавобгарликни назарда тутди. мулкка қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш жиноятининг умумий объекти жиноят қонуни билан қўриқланадиган бир бутун сифатида ижтимоий муносабатларнинг бутун мажмуини ўз ичига олади.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, алоҳида ижтимоий хавфли қилмиш ёки бир гуруҳ турдош объекти жиноятларнинг хусусиятларнинг акс эттириш учун умумий объекти тушунчаси етарли бўла олмайди. Шунинг учун аниқлаштирилган сари тажовуз объектлари турдош ва бевоситага ажратилади. турдош объекти деганда жиноят қонуни билан нормаси билан ҳимоя остига олинган бир-бирига яқин бўлган ижтимоий муносабатлар мажмуи

⁹ Рустамбаев М.Х. Жиноят ҳуқуқи курси. 1 том: – Тошкент: 2018. – Б.168.

¹⁰ Севрюков А.П. Хищение имущества: криминологические и уголовно-правовые аспекты. – М.: Экзамен, 2004. – С. 130.

¹¹ Алланова А.А. Қонунга ҳилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш учун жавобгарлик: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муаммолар: Юрид. фан. бўй. фал. док (PhD). ... дис. автореф. – Т., 2020. –Б.14.

¹² Иброҳимов Ж.А. Терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари Юрид. фан. бўй. фал. док (PhD). ... дис. автореф. – Т., 2020. –Б.15.

¹³ Алтиев Р.С. Фирибгарликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари Юрид. фан. бўй. фал. док (PhD). ... дис. автореф. – Т., 2020. –Б.12.



тушунилади. Шу нуқтаи назарда мулкка қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш жиноятининг турдош объекти сифатида ўзгалар мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ваколатлари ифодаланган мулкка оид ижтимоий муносабатларнинг ўз ичига олади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида бевосита объект ҳақида ҳам турлича фикрлар мавжуд. Гап муносабатларнинг торроқ доираси, муайян субъектга – жисмоний ёки юридик шахсга зарар етказиш ҳақида бормоқда. Шу билан бирга, бевосита объектни аниқлаш масаласига тўхталиб ўтсак, мазкур жиноятни ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятдан фарқли ўлароқ, айбдорнинг жиноий бойиши билан боғлиқ бўлмайди. Мулкни nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш натижасида корхона, муассаса, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар ўз мулкларидан маҳрум бўлади ва улардан фойдаланиш имкониятларини йўқотади. Шу сабабли таҳлил этилаётган жиноятнинг бевосита объектини мулкий муносабатлар ташкил этишини кўришимиз мумкин, шу сабабли ушбу жиноятнинг бевосита объектида аниқлаш масаласи ҳам баҳсли.

Юқорида айтилганларга асосланиб, биз ўзганинг мулкни nobуд қилиш ёки унга зарар етказишнинг бевосита объекти муайян жисмоний ёки юридик шахснинг мулкий ҳуқуқларига риоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни ўз ичига олишини таъкидлаймиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бевосита объект билан бир қаторда, айбдор айнан шунга таъсир қилиш орқали жиноят қонуни билан қўриқладиган ижтимоий муносабатларни бузадиган ёки бузишга уринадиган жиноят предмети аниқлаш ва ажратиш зарур. Жиноят предмети ижтимоий муносабатга ўхшатиш мумкин эмас, чунки у яхлитликнинг бир қисми бўла олмайди, лекин уларни бир-бирлигига қарши қўйиб ҳам бўлмайди, чунки жиноят предмети ижтимоий муносабатнинг зарурий таркибий қисми ҳисобланади, аммо асосий элемент сифатида баҳоламайди чунки объектнинг қўшимча белгиси сифатида жиноятнинг предмети ҳисобланади.



Жиноят предмети ҳам ижтимоий муносабатнинг иштирокчилари, ҳам ижтимоий муносабатларни вужудга ва ҳаракатга келтирувчи моддий дунё предметлари бўлиши мумкин. Масалан, жиноят предмети бўлиб, талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятда эса – жиноят объекти бўлган буюмлар ва бошқа қимматликлар, яъни моддий дунё предметлари ҳисобланади. Шунингдек, айбдорга таъсир этадиган жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг барча моддий шарт-шароитлари жиноят предмети призмаси ҳисобланди.

Жиноят предмети, жиноят жабрланувчиси сингари, жиноят объектининг факультатив белгиси ҳисобланади. У фақат Жиноят кодексининг Махсус қисм моддасида тўғридан-тўғри кўрсатилган тақдирдагина зарурий аҳамият касб этади. Мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказишда предмет – ўзганинг мулкидир.

Бир хил предмет турли жиноят таркибида турлича белгилар билан таснифланади. Масалан, мазкур жиноятда мулк иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатлари билан таърифланади; жисмоний жиҳат чекловчи аҳамиятга эга эмас, шу сабабли уй-жой ёки бино каби кўчмас мулк ҳам предмет бўлиши мумкин.

Зарар миқдори жиноятни тўғри квалификация қилишда ҳал қилувчи мезон ҳисобланади. Агар мулк оз миқдорда nobуд қилинса ёки зарар етказилса — Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61²-моддаси қўлланилади¹⁴. Агар мулкка анча миқдорда зарар етказилса — у Жиноят кодексининг 173-моддасига мувофиқ жиноят сифатида баҳоланади¹⁵.

Шунинг учун жиноят предмети ва ундаги ўзгаришларни билиш ижтимоий хавфли оқибатни ҳамда жиноятнинг тўғри квалификациясини белгилаш имконини беради.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят предмети — бу объектга тажовуз жараёнида айбдор тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган моддий нарса-

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси <https://lex.uz/docs/97664#3493547>

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси <https://lex.uz/docs/111453>



буюмлардир. Мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш жиноятида предмет — ўзганинг мулки ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг 167-моддасига кўра, Ўзбекистонда мулк хусусий ва оммавий шаклларда мавжуд. Агар мулк айбдорга тегишли бўлмаса ва унда мулкка нисбатан ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқи йўқ бўлса, у ҳолда мулк хусусий ёки оммавий бўлишидан қатъи назар “ўзганинг мулки” деб баҳоланади¹⁶.

Бироқ ҳар қандай мулк ҳам nobуд қилиш ёки шикаст етказиш предмети бўла олмайди. Унинг бундай предмет сифатида тан олиниши учун қайси белгиларга эга бўлиши кераклиги ҳақида турли назарий қарашлар мавжуд.

Жиноят предметлари сифатида моддий қимматликка эга бўлган, инсон меҳнати сингган, эркин муомалада бўлган ва айбдорга тегишли бўлмаган мулк кўрсатилиши мумкин, бу мулкда ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқ мавжуд бўлмаслиги шарт. Шу боис норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида жиноят объекти билан предметини аниқ фарқлаш жиноятнинг тўғри квалификация қилиниши ҳамда ҳуқуқни қўллашда ягоналикка эришиш учун муҳимдир. Бироқ, бугунги кунда бу каби ҳолатларни фарқлаш борасида айрим хатоликлар кўзга ташланмоқда, масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»¹⁷ги қарори 10-банди биринчи қисмида «**Жиноят объекти бўлган мол-мулк қиймати**ни аниқлашда унинг мулкдор томонидан орттирилиши (сотиб олиниши) ҳолатларига қараб, жиноят содир этилган пайтдаги шартномавий, улгуржи, чакана, биржа ёки бозор нархидан келиб чиқиш лозим.»; 11-банди 2-қисмида «Жумладан, **жиноят объекти бўлган мол-мулкнинг** бозор баҳосини аниқлашда эксперт «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек, унга мувофиқ ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси давлат мулк қўмитасининг 2006 йил 14 июндаги 01/19-19, 01/19-20, 01/19-21-сон қарори билан тасдиқланган мол-мулкни баҳолаш

¹⁶Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси <https://lex.uz/docs/111189#153827>

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги 26-сон қарори <https://www.lex.uz/docs/3115385>



миллий стандартларига риоя этиши лозим» деб ёзилган. Ваҳоланки, нобуд қилинган ёки шикаст қилинган мол-мулк моддий қийматга эга бўлиб, жиноят предмети ҳисобланади. Жиноят объекти эса, қилмиш натижасида зарар етган ижтимоий муносабат ҳисобланади. Шу муносабат билан, юқоридаги Олий суд Пленумининг мазкур бандларидаги «объект» сўзларини «предмет» сўзлари билан алмаштириш таклиф этилади¹⁸. Объект ва предметни тўғри ажратиш жиноятни тўғри баҳолаш ва адолатли жавобгарликни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

¹⁸ Ф.Абдуқодиров // талончиликка қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш қўлёзма ҳуқуқида УЎК: 343.712(043.3)(575.1) 6-72